


Амударё тумани ҳокими ва ҳокимлик ходимлари коронавирусга қарши эмланди



Коронавирус пандемияси жаҳон миқёсида инсонлар ҳаётига, турмуш тарзига ўзининг зарарли таъсирини кўрсатишда давом этмоқда. COVID-19 вируси дунёдаги барча давлатларнинг ҳар томонлама иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий жиҳатдан ривожланиши учун тўсиқ бўлаётган асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Пандемиянинг зарарли оқибатларини, унинг юқиш хавфини камайтириш, тарқалишининг олдини олиш мақсадида бутун дунё мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам COVID-19 дан эмлаш жараёнлари ўтказилмоқда. Ҳозирда юрдошларимиз орасида коронавирусдан зарарланиш ҳолатлари тобора ортаётганлиги сабабли, вакцинация жараёнлари ҳам кучайтирилмоқда. Тиббиёт соҳаси масъуллари томонидан аҳоли ўртасида эмлашнинг инсон саломатлиги учун афзалликлари ҳақида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилиши натижасида юрдошларимиз орасида вакцина олганлар сони тобора ортмоқда.

Жорий йилнинг 10 июнь санасида Амударё тумани ҳокимлигида коронавирусдан эмлаш жараёни ўтказилди. Эмлашда туман ҳокими Султонбой Йўлдашев, ҳокимлик масъул ходимлари иштирок этдилар. Туман тиббиёт бирлашмаси масъул шифокорлари томонидан дастлаб жараёнда қатнашаётганларнинг қон босимлари ҳамда тана ҳароратлари ўлчанди. Уларнинг меъёрий кўрсаткичда эканлигига ишонч ҳосил қилинган, вакцина билан эмлаш жараёни ўтказилди.

Шу ўринда айтиш керакки, вакцинанинг инсон саломатлигини таъминлашда қатор афзалликлари мавжуд. Вакциналар тананинг табиий иммунитетини билан биргаликда касаллик юқиши хавфини камайтиради. Вакцина инсон организмига юборилгандан кейин иммунитет тизими танага кирган микробни аниқлайди ва бу микробга қарши курашиш учун антитаначаларни ишлаб чиқаради ҳамда касалликка қарши курашишни таъминлайди. Вакцина танада касалликка қарши

иммунитетни ишлаб чиқишга кўмак берувчи хавфсиз ва самарали восита саналади. Касаллик пайдо бўлганидан кейин уни даволашдан кўра, эмлаш орқали касалликларнинг олдини олиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, мутахассисларнинг таъкидлашича, инсонлар вакцина билан эмланганларидан сўнг ҳам, синовларда қатнашмоқчи бўлганлардан ҳам ёки синовлар якунланиб, ижобий натижа чиққанларда ҳам ниқоб тақиб юришлари талаб қилинади. Вакцина билан эмланган киши организмда иммун тизим ишлашни бошлайди, бу даврда бошқа касалликлар юқишини олдини олиш мақсадида имкон қадар бошқа инсонлар билан мулоқотда бўлмаслик ва уйда бўлиш талаб этилади. Агар иш жараёнида одамлар билан мулоқотда бўлишда давом этилса, бошқа карантин талабларига доим риоя қилиш зарур. Қолаверса, соғлом турмуш тарзини яратиш, соғлом ва муқобил овқатланиш, кўп суюқлик ичиш ва енгил жисмоний фаоллик олиб боришни ҳам давом эттириш керак.

Айтиш керакки, самарадор вакцинанинг оммавий қўлланилиши вирус тарқалишини кескин камайтириши ва охир-оқибат уни енгишда асосий омил бўлиши мумкин.

Юртдошларимизнинг юртимизда жорий қилинаётган карантин қоидаларига қатъий риоя қилишлари коронавирус пандемиясининг чекинишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсон саломатлиги учун, энг аввало, унинг ўзи масъулдир. Ўзимиз ва яқинларимиз саломатлиги ҳар биримизнинг қўлимизда эканлигини инобатга олиб, карантин тартиб-қоидаларига амал қилайлик ва, албатта, эмлаш жараёнларида иштирок этайлик.

Амударё туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати